

## ЁШ АВЛОДНИНГ БАДИЙ-ЭСТЕТИК ИЖОДКОРЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ТАСВИРИЙ САНЪАТНИНГ ЖАМИЯТДАГИ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

**М. К. Аҳмедбекова**

ФарДУ ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7336303>

**Аннотация.** Фуқаролик жамияти ва инновацион тафаккур тарзида Ўзбекистонда барқарор ривожланиш жараёнларини реал акс эттирувчи, яратувчи ижодкор ёшларни, янгича тафаккур соҳибларини тарбиялаш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Чунки, кенг кўламдаги ислохотларни амалга ошириш янгича инновацион тафаккур тарзига боғлиқдир.

**Калит сўзлар:** фуқаролик жамияти, ахлоқ-одоб, маънавий юксалиш, умумбашарий маънавий қадриятлар.

## ВАЖНОСТЬ И ЗНАЧЕНИЕ РАЗВИТОГО ХУДОЖЕСТВЕННО-ЭСТЕТИЧЕСКОГО ТВОРЧЕСТВА МОЛОДОГО ПОКОЛЕНИЯ И ИЗОБРАЗИТЕЛЬНОГО ИСКУССТВА В ОБЩЕСТВЕ

**Аннотация.** На уровень государственной политики возведено воспитание творческой молодежи, новых мыслителей, реально отражающих процессы устойчивого развития в Узбекистане в форме гражданского общества и инновационного мышления. Потому что реализация масштабных реформ зависит от нового инновационного мышления.

**Ключевые слова:** гражданское общество, этика, духовный рост, общечеловеческие нравственные ценности.

## THE IMPORTANCE AND SIGNIFICANCE OF THE DEVELOPED ARTISTIC AND AESTHETIC CREATIVITY OF THE YOUNG GENERATION AND FINE ARTS IN SOCIETY

**Abstract.** The education of creative youth, new thinkers, who really reflect the processes of sustainable development in Uzbekistan in the form of civil society and innovative thinking, has been raised to the level of state policy. Because the implementation of large-scale reforms depends on new innovative thinking.

**Keywords:** civil society, ethics, spiritual growth, universal moral values.

### КИРИШ

Фуқаролик жамиятини барпо этишда янги инновацион тафаккур тарзини шакллантириш долзарбдир. Фуқаролик жамиятини ривожлантиришда ёшларнинг янгича дунёқарашини шакллантириш, уларнинг шижоати, ғайрати, куч-қувватини тўғри йўналтириш, тарбиялаш бугунги куннинг энг муҳим вазифадир. Бунда баркамол авлодни шарқона ахлоқ –одоб ва умумбашарий маънавий қадриятлар асосида камол топтириш назарда тутилади. Ёшларнинг турмуш тарзи, ҳаёт кечириши, хушмуомала бўлиши, меҳнатга, касб-ҳунарга нисбатан фидойилик кўрсатиши миллий маданиятнинг ахлоқий тарбия меъёрларига мос келади. Бу эса ёшларда янгича дунёқарашни шакллантириш, миллий руҳда тарбиялаш, олижаноб ҳис-туйғуларни камол топтириш, маънавий баркамолликка етишиш билан боғланади. Ёшларнинг маънавий юксалиш жараёнида

уларнинг ҳуқуқий, сиёсий, ахлоқий, маданий ва мафкуравий тасаввурлари шаклланиб, ривожланиб боради.

## **ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ**

Ёшларда ижодкорликни шакллантириш деганда биз қандайдир бир буюм ёки бадиий асарнинг яратилиши эмас, балки ҳар бир вазифага ўз нуқтаи назари бўйича ёндашиши, бир муаммо устида мустақил фикр юрита олиши, ўқиш жараёнида орттирган барча билимларини ҳаётда кечаётган ҳодисаларга боғлай олиши ва уларни таҳлил этиши, ўрганилаётган соҳа бўйича ўзининг янги қарашларини ифодалашини тушунишимиз лозим.

Маълумки, бадиий ғоялар ҳаётдан олинади ва бадиий ифодалар асосида инсон онги ва руҳиятига таъсир ўтказилади. Айнан шу бадиий ғоялар тасвирий санъатнинг асосий маъно ва мазмунини ташкил этади. Бу эса ёшларнинг ижобий хатти-ҳаракати, ташаббускорлиги, бадиий – эстетик диди, маданиятини оширади ва уларнинг аниқ мақсад сари интилувчанлигини таъминлайди. Тасвирий санъатда инсон ўз ғояларини яратади. Ўзи яратган ғоялардан завқланиб, куч – қудрат олган инсоннинг онги ва шуури, тафаккури, эътиқоди юксалади. Юксак ғоялар эса инсонни олижаноб мақсадлар сари етаклайди.

## **ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ**

Тасвирий санъат ижтимоий онгнинг алоҳида шакли бўлиб, кишиларнинг оламни билиб олишга, ҳаётнинг мураккаб, муҳим жиҳатларини онгли англашга ёрдам беради. У воқеликнинг жонли образли тасвирини кўрсатади ва тасаввурини беради. Тасвирий санъат кишига эстетик ҳузур-ҳаловат бахш этади. У инсондаги гўзаллик ҳисси, олий инсоний ҳислар, ғоявий ишонч, маънавий мустақилликни, жасорат ва ақлий етуқликни таъминлайди. Абу Наср Форобий инсоннинг ақлини ривожлантириш орқали, уни мустақил фикрлайдиган қилиб тарбиялаш масаласини жамият қуришнинг муҳим шартларидан бири сифатида қараган.

“Ақл қуввати туфайли инсон гўзал билан хунукни бир-биридан айира олади, санъат билан билимни яратади”.

Тасвирий санъатнинг илҳомбахш кучи, жамиятдаги ўрни ва аҳамияти шундаки, ҳар қандай бадиий – эстетик фаолият инсонни ижтимоий ҳаракат ва фаолликка ундайди. Бу эса ўз ўрнида давлатимизнинг буюк келажигига бўлган қатъий ишончини оширади. Натижада ҳар бир фуқаро қалбида ватанга, Ўзбекистонга муҳаббат, мустақиллик ғоясига садоқат руҳида меҳнат қилиш, ўз Ватанининг маданий, бадиий – эстетик салоҳиятини оширишга нисбатан хоҳиш – иштиёқи намоён бўлади ва ўз халқининг санъати, маданиятини ўрганади ҳамда инсон қалби ва онгига сингиб кетадиган гўзал туйғуларни ўзида мужассамлаштиради. Абдулла Авлониининг таъкидлашича, “Ватан туйғуси энг инсоний, энг мўътабар туйғулардан бири. Ватанни шунчаки севиш мумкин эмас. Унинг дарди билан яшамоқ, унинг бахтидан қувонмоқ, у билан фахрланиш керак. Ватан онадек муқаддас...”.

Юртни обод, халқ ҳаётини фаровон қиладиган бунёдкорлик ғоялар эса ўзида олижаноб мақсадларни қамраб олган бўлиб, ёшлар онги ва қалбида ёт ғояларни йўқотишга қаратилганлиги, бу жараённинг асосий йўналишидир.

Тасвирий санъатнинг таъсири шу даражада кучлики, инсон ҳар қандай илғор ғояни ўзига сингдириши, Ватан озод бўлсагина, шахс озод бўла олишлигини тушуниб этиши ва

хар қандай ёвуз ғояга қарши жавоб бера олиши, энг муҳими инсонларнинг мустақил дунёқараши ва эркин тафаккури шаклланиб, миллий ўзликни англаши, уларнинг миллий ифтихор ва ғурурини тарбиялаш мумкин бўлади. Айниқса, миллий табиатимизга хос бунёдкор фазилатлар, ота – боболаримизнинг ҳоқиқатлари жо бўлган муқаддас заминга ҳурмат ва ватанпарварлик ҳисси ҳамда гўзаллик ҳақидаги тушунчалари кенгайди. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.М.Мирзиёев айтганидек: “Ҳеч қачон унутмайлик, гўзал ва бетакрор Ўзбекистон барчамизники экан, унинг тақдири ва келажаги учун барчамиз масъулмиз”.

Бадий фаолиятда ижодкорлик ёшларнинг билим, кўникма, малака, тажриба ва маҳорати натижасида туғиладиган мўъжизадир. Тасвирий санъатда ижоднинг натижаси бадий асар яратишдан иборат бўлади. Тасвирий санъатдаги бадий ижод-ижодий жараён орқали амалга ошади. Бунда ижодкор ғоявий-бадий мазмунни жам этган ҳолда бадий асар яратади. Ижодкорнинг меҳнати, хоҳиш – иродаси, ҳис-туйғулари, хотира, тафаккур, сезги ва хаёли-руҳий ва амалий қобилият сифатида намоён бўлади. Тасвирий санъатда бадий ижод ёшларнинг меҳнат фаолияти билан белгиланади. Ижод эса меҳнатнинг олий шаклидир. Ижодкор ҳаётни ва санъатни чуқур, ҳар томонлама ўрганса, мантиқий ҳис этса, образли тасаввурга эга бўлсагина санъат асари яратишга эришади. Бунда у ҳаётни ҳар томонлама яхши билиши ва билимли, зиёли инсон бўлиши керак. Ёшларнинг бадий диди, дунёқарашидаги ғоявий, эстетик ижодий йўналишлар уларнинг ҳаётни билишдаги тажрибаси билан ривожланиб боради. Тасвирий фаолиятда ижоднинг энг юқори даражаси маҳорат ўзига хос тасвирий техника, билим, кўникма, малаканинг мукамал эгалланишида кўринади. Ёшларнинг энг ноёб хислати ижодкорлигидир. Улар турли мазмундаги реал воқеликни ижодий қобилиятида намоён этади. Ижод мураккаб жараён. Унда шахс руҳиятининг барча қатламлари иштирок этади. Ижод меҳнатнинг юксак шакли бўлиб, эҳтиёжни қондирадиган, ижтимоий фойда келтирадиган ва янги предметни яратишга қаратилган меҳнатдир.

Ёшлар бадий тафаккурининг ривожланиши улар идрокнинг ички ҳаракати билан бошланади. Идрокнинг мукаммалашувида эса мураккаб ақлий фаолият асосий ўринни эгаллайди. Оламнинг умумий манзарасини идрок этиш ва фикр юритишда кўриш сезгисининг ўрни беқиёсдир. Чунки, нарса-ҳодисалар ҳақидаги маълумотнинг катта қисми кўриш сезгиси орқали қабул қилинади. Бу тасвирий фаолиятда яққол намоён бўлади. Ёшлар тасвирий фаолият таъсирида дунёни кузатади, ҳис ва идрок этган ҳолда тасаввур қилади, кўп таассуротлар олади ва хотирасида сақлайди. Хотира эса бадий ижодда энг зарурий психик жараённи намоён этади. Бунда ёдга олиш, ёдда сақлаш каби хотиранинг аралашувисиз борлиқни, бадийликни идрок этиб бўлмайди. Хотира ўз навбатида бадийликни акс эттиришга хизмат қилади. Тасвирий санъатнинг онгли ҳис этилиши ёшларга репродуктив ижод кучи билан ҳаётда янгилик яратиш имконини беради. Шуни унутмаслик керакки, ўтмиш ва тажриба фақат хотира эвазигагина сақланиб қолади. Тасвирий ижод эса хотиравий образсиз бемақсад ва бефойдадир. Ёшлар бадий ижод кучининг самарасини белгилашида ирода муҳим аҳамиятга эгадир. Ҳар қандай меҳнатнинг самараси иродавий хусусиятларнинг намоён бўлишига боғлиқдир. Иродасизлик инсонни дангасалик, кучсизланиш, онгсизликка олиб келади. Ирода ёшларнинг ҳаракатини онгли равишда бошқарадиган психик жараён бўлиб, уларнинг мақсадга эришиш йўлидаги қийинчиликларини бартараф этишда намоён бўлади. Ирода

орқали мақсадга етиш учун ақлий ва жисмоний куч-қувватни онгли равишда бошқариш мумкин бўлади. Тасвирий фаолиятда иродали бўлиш ва фаол ҳаракатлар орқали масалани қўйиш, режалаштириш ва мақсадни амалга ошириш мумкин бўлади.

## **МУҲОКАМА**

Ирода асосида ёшларнинг ҳаракатчанлиги, мустақиллиги, қатъиятлилиги, сабр-тоқатли бўлиши ва ўз-ўзини бошқара олиш имконияти кучаяди. Бу эса уларнинг тасвирий санъатдан юқори натижаларга эришишини таъминлайди. Шунга алоҳида эътибор бериш зарурки, бадиий тафаккур иштирокида ёшлар борликни чуқур ва ҳар томонлама пухта билиб олади. Тасвири фаолиятдан илҳомланиш катта қизиқиш ва қувонч билан сифатли ишлашни таъминлайди. Тасвирий фаолият ҳаёт ҳақиқатини бадиий-эстетик жиҳатдан акс эттириш, инсонни ёвузлик ва зулматдан огоҳ этиш, уни юксак идеаллар асосида тарбиялашга йўналтирилганлиги билан эзгуликка хизмат қилади ва фақат инсонпарварликни тарғиб этади. Шунга эътибор бериш керакки, санъаткорларнинг олдидаги энг муҳим вазифа-санъат, ҳаёт, меҳнат ва гўзаллик ўртасидаги узилишни боғлашдир. Бу йўналишда тасвирий санъатдаги гўзалликларни ҳис этиш учун ҳар бир кишида эстетик маданият ва қобилият бўлиши керак. Бу эса ўз ўрнида кишининг гўзаллик яратишга бўлган интилишини фаол ва ижодий бўлишини таъминлайди ва гўзалликдан завқланиш, уни ҳаётга олиб кириш учун замин яратади. Тасвирий санъат воситасида инсонлар ўз фикри ва ғояларини, содир бўлаётган воқеаларга муносабатини эркин ифода эта олиши орқали аҳолининг сиёсий, маънавий фаоллигини ошириши, бадиий – эстетик дидини ўстиришга эришилади. Кишиларнинг ижтимоий онгини гўзаллик қонунлари асосида ўзгартиришга қаратилган бадиий, амалий – ижодий меҳнат фаолиятида тасвирий санъат ўз аксини топадики, у инсоннинг руҳий дунёсини тушуниш, унинг ички сирлари билан ошно бўлишга имкон беради. Тасвирий санъатнинг бош масаласи – ҳазрати инсонни, унинг кўп қиррали ижтимоий фаолиятини акс эттириш, маънавий эҳтиёжларини қондириш, ижодий қобилиятини ривожлантиришдир.

## **ХУЛОСА**

Ёшларимиз тасвирий санъатнинг турлари бўйича турли мавзуларда ижодий шуғулланадилар. Хусусан, “Тинчлик кабутарлари”, “Хотира ва кадрлаш куни”, “Ўқитувчилар ва мураббийлар куни”, “Наврўз”, “Озодлик – буюк туйғу”, “Мустақиллик байрами”, “Менинг маҳаллам”, “Менинг обод шаҳрим”, “Менинг кўркем қишлоғим”, “Ўзбекистон – ягона Ватан”, “Қадимий обидалар, осори – атиқалар фаҳримиз”, “Миллий қаҳрамонлар ҳаёти”, “Жаҳонни ядро чиқиндилари ва заҳарловчи моддалар ахлатхонасига айлантиришга йўл қўймаймиз”, “Йўқолсин гиёҳванд моддалар”, “Ўзбекистон ҳудудида тинчлик ва барқарор хавфсизликни мустаҳкамлайлик”, “Ўзбек заминида келажак авлодлар соғлиғи учун курашайлик” каби мавзулар шулар жумласидандир. Бундан ташқари тасвирий санъатнинг буюк намоёндалари билан ёшлар доимий равишда танишиб борадилар. Тасвирий санъатнинг тарбиявий вазифаси – инсоният томонидан яратилган бой маданий, бадиий – эстетик меросини келгуси авлодларга етказиб бериш, инсонларнинг эҳтиёжларини қондирувчи, унинг ҳис – ҳаяжонларини кузатувчи, оламни гўзаллик қонунлари асосида ўзгартирувчи восита бўлиб, кишиларда нафис ҳис – ҳаяжонларни шакллантиришга хизмат қилади. Шунингдек, инсонларнинг санъат асарларини ўқиш, кўриш, эшитиш орқали эстетик завқ олиш, роҳатланишини таъминлаш тасвирий санъатнинг энг муҳим фаолиятини ташкил этади. Тасвирий санъат воситасида

инсон гўзалликни ҳис этишга ўрганади ва меҳнатдаги гўзалликни кўради, ҳаётга гўзаллик киритиш малакаси ривожланади, бадиий фикр доираси кенгайди, фазовий тушунчаси ўсади.

### REFERENCES

1. Kipchakova, Y. (2021). METHODOLOGICAL AND DIDACTIC ASPECTS OF INFORMATION AND INTELLECTUAL CULTURE IN THE EDUCATION OF A DEVELOPED GENERATION. *Экономика и социум*, (6-1), 156-159.
2. Kipchakova, Y. X., & Kodirova, G. A. (2020). INNOVATIVE TECHNOLOGIES IN MODERN EDUCATION. *Теория и практика современной науки*, (5), 29-31.
3. KIPCHAKOVA, Y., ABDUXAMIDOVA, M., & RAXMONALIYEVA, M. THE IMPACT OF INNOVATIVE TECHNOLOGIES IN IMPROVING STUDENT KNOWLEDGE. *СТУДЕНЧЕСКИЙ ВЕСТНИК Учредители: Общество с ограниченной ответственностью "Интернаука"*, 37-38.
4. Қипчақова, Ё., Махмудова, М., & Умарова, З. (2021). МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАР МЕҲНАТИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТИ. *Студенческий вестник*, (22-7), 9-10.
5. Қипчақова, Ё., Соибжоновна, Ш., & Абдуқайумова, С. (2021). МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ АҲАМИЯТИ. *Студенческий вестник*, (22-7), 11-12.
6. Ботирова, Н. (2020). Обучающие возможности тестовых технологий. *Профессиональное образование и общество*, (3), 68-71.
7. Ботирова, Н. Д. (2019). РАЗВИТИЮ ПРОДУКТИВНОГО МЫШЛЕНИЯ МЛАДШИХ ШКОЛЬНИКОВ. *Гуманитарный трактат*, (61), 4-6.
8. Ботирова, Н. Д. РАЗВИТИЮ ПРОДУКТИВНОГО МЫШЛЕНИЯ МЛАДШИХ ШКОЛЬНИКОВ DEVELOPMENT OF PRODUCTIVE THINKING OF YOUNGER SCHOOLBOYS. *Журнал выпускается ежемесячно, публикует статьи по гуманитарным наукам. Подробнее на*, 4.
9. Djurabaevna, B. N., & Ibrokhimovna, T. S. (2020). Specific features of teaching mathematics in primary school students. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 10(8), 302-307.
10. Alimjanova, M. (2020). PEDAGOGICAL SYSTEM OF FORMATION OF RESPONSIBILITY IN PRIMARY SCHOOL STUDENTS ON THE BASIS OF NATIONAL VALUES. *Theoretical & Applied Science*, (4), 914-917.
11. Alimjanova, M. (2021). ABOUT GENDER STEREOTYPES. *Emergent: Journal of Educational Discoveries and Lifelong Learning (EJEDL)*, 2(06), 72-76.
12. Alimjonova, M. Y. (2021). The role of the national values in the history of pedagogical education. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 11(3), 1040-1044.
13. Shavkatovna, S. R. (2021). DEVELOPING CRITICAL THINKING IN PRIMARY SCHOOL STUDENTS. *Conferencea*, 97-102.
14. Vasiljonov, A. (2022). BASIC THEORETICAL PRINCIPLES OF CORPUS LINGUISTICS. *Academicia Globe: Inderscience Research*, 3(02), 173-175

15. Shavkatovna, S. R. (2021). Methodological Support for The Development of Primary School Students' Creative Activities. *Texas Journal of Multidisciplinary Studies*, 2, 121-123.
16. Shavkatovna, S. R. N. (2021). METHODOLOGICAL SUPPORT OF DEVELOPMENT OF CREATIVE ACTIVITY OF PRIMARY SCHOOL STUDENTS. *Conferencea*, 74-76.
17. Maxamadaliyevna, Y. D., Òljayevna, Ò. F., Qizi, T. D. T., Shavkatovna, S. R. N., & Anvarovna, A. O. (2020). Pedagogical Features Of Mental Development Of Preschool Children. *Solid State Technology*, 63(6), 14221-14225.
18. Jabborova, M. (2021). THE IMPORTANCE OF INNOVATIVE TECHNOLOGIES IN THE SOCIAL DEVELOPMENT OF SOCIETY. *Экономика и социум*, (6-1), 129-132.
19. Tillaboyeva, G., & Umarova, N. R. (2021). ALISHER NAVOIY ASARLARIDA BADIY TAXALLUSLARNING QO 'LLANILISHI. *Студенческий вестник*, (13-5), 70-72.
20. Qizi, G. S., & Umarova, N. R. (2021). The use of anthroponyms and pseudonyms in alisher Navoi's gazelles. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 11(9), 349-3
21. Sodirzoda, M. M. (2021). Ways to cultivate the creative thinking of beginners in the classroom through information and communication technologies. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 11(5), 955-958.
22. Sodirzoda, M. M. (2021). Techniques of using folk proverbs in the cultivation of oral speech of primary school students. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 11(10), 481-484.
23. Sodirzoda, M. M. (2021). TO INCULCATE NATIONAL AND SPIRITUAL VALUES IN PRIMARY SCHOOL STUDENTS THROUGH ETIQUETTE LESSONS. *Conferencea*, 31-32.
24. Турахўжаева, А., & Мухторий, М. (2018). СЕМАНТИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ ЛЕКСЕМ" СИСТЕМЫ" В УЗБЕКСКОМ ЯЗЫКЕ. *Актуальные научные исследования в современном мире*, (5-4), 157-159.
25. Юлдашева, Д. М., Асқарова, Д., & Зоҳидова, М. (2021). Ўзбек болалар нутқига доир матнларда лакуна. *Academic research in educational sciences*, 2(2).
26. Джалолова, М., Рахманова, Э. Ю., & Косимова, Х. Н. (2021). ВОСПИТАНИЕ СЕНСОРНОГО ВОСПРИЯТИЯ У ДЕТЕЙ ДОШКОЛЬНОГО ВОЗРАСТА. *Scientific progress*, 1(6).
27. Косимова, Х. Н. (2021). КИТОБХОНЛИК КЎНИКМАСИНИ ШАКИЛЛАНТИРИШДА ОИЛАГА ПЕДАГОГИК ТАВСИЯЛАР БЕРИШ ТИЗИМИ. *Scientific progress*, 1(6).
28. Нажмиддинов, Э. Х., Кучбоев, А. Э., Мухаммадиев, М. А., & Соатов, Б. Б. (2021). Эколого-морфологические характеристики нематод рода *Rhabdochona*-паразитов обыкновенной маринки. Теория и практика борьбы с паразитарными болезнями, (22), 387-393.
29. Юлдашев, Э., & Нажмиддинов, Э. (2013). БРАКОНИДЫ (Hymenoptera, Braconidae) РОДА *ROGAS NEES* ФАУНЫ СРЕДНЕЙ АЗИИ. In Биоразнообразие и рациональное использование природных ресурсов (pp. 134-136).
30. Kuchboev, A. E., Najmidinov, E. K., Mukhamediev, M. A., Karimova, R. R., & Yildiz, K. (2021). Morphological and ecological features of some nematodes of the genus

- Rhabdochona in marinka obtained from Fergana Valley, Uzbekistan. *Journal of Parasitic Diseases*, 45(4), 1084-1089.
31. Vosiljonov, A. (2022). BASIC THEORETICAL PRINCIPLES OF CORPUS LINGUISTICS. *Academicia Globe: Inderscience Research*, 3(02), 173-175.
  32. Usmanov, N. (2021). The Philosophical Basis For The Formation Of Spiritual Maturity Among Young People. *Oriental Journal of Social Sciences*, 1(1), 33-37.
  33. Gulnoza, R., & Lola, K. (2022). OBRAZLAR TALQINIDA LINGVISTIK IMKONIYATLAR. *Central Asian Research Journal for Interdisciplinary Studies (CARJIS)*, 2(Special Issue 3), 91-95.
  34. Kalandarovna, Y. L. (2022). IDENTIFICATION AND EDUCATION OF GIFTED CHILDREN. *ASIA PACIFIC JOURNAL OF MARKETING & MANAGEMENT REVIEW ISSN: 2319-2836 Impact Factor: 7.603*, 11(10), 42-47.
  35. Dilafruz, A. (2022). MAKTABGACHA YOSHDAGI BOLALARDA VA OILADA GENDER XUSUSIYATLARNI SHAKLLANTIRISH OMILLARI. *INNOVATION IN THE MODERN EDUCATION SYSTEM*, 2(18), 183-189.
  36. Юлдашева, Д. М., Асқарова, Д., & Зоҳидова, М. (2021). Ўзбек болалар нутқига доир матнларда лақуна. *Academic research in educational sciences*, 2(2), 926-931.
  37. Askarova, D. I. (2022). THE ROLE OF FOLK PEDAGOGY IN THE DEVELOPMENT OF CREATIVITY OF STUDENTS OF HIGHER EDUCATIONAL INSTITUTIONS. *Oriental Journal of Social Sciences*, 2(02), 89-96.
  38. Rahmonov, U., Ergashev, A., Nazhmetdinova, M., & Usmonova, S. (2021, November). IN THE FORMATION OF THE SOCIO-SPIRITUAL THINKING OF YOUNG PEOPLE IN THE MUSICAL ART OF THE GREAT SCHOLARS OF THE EASTERN RENAISSANCE POSITION HELD. In *Archive of Conferences* (pp. 36-39).
  39. Karimovich, U. R., Mamasodikovna, N. M., & Abdullaevich, E. A. (2021). The Role and Importance of Music Clubs in The Leisure of Young People. *Journal of Pedagogical Inventions and Practices*, 2(2), 47-49.
  40. Ulugbek, R. (2021, January). AN ANALYSIS OF WORDS WHOSE EMOTIONAL MEANING CHANGES IN MODERN ENGLISH LINGUISTICS. In *Euro-Asia Conferences* (Vol. 1, No. 1, pp. 131-136).
  41. Narziev, S., Asqarov, J., & Khokimiyatov, A. (2021). Methodology Of Organization Of The Labor Process And Preservation Of Employees' Health. *The American Journal of Engineering and Technology*, 3(04), 79-84.
  42. Asqarov, N. I. (2021). Prospects For The Development Of The Investment. *The American Journal of Applied sciences*, 3(01), 162-166.
  43. Usmanova, O. S. (2022). National curriculum and new generation mathematics textbook. *Asian Journal of Multidimensional Research*, 11(2), 11-16.
  44. Sobirovna, U. O. (2022). The Use of Mnemotechniques in Teaching Younger Schoolchildren. *Spanish Journal of Innovation and Integrity*, 6, 446-450.
  45. Dilafruz, Y., Marifatxon, J., Rasuljonovna, E. Z., & Muqaddasxon, M. (2022). MAKTABGACHA TA'LIMGA YANGICHA YONDASHUV. *Central Asian Research Journal for Interdisciplinary Studies (CARJIS)*, 2(Special Issue 3), 121-125.
  46. Zhabborova, M. R. K. (2021). Мактабгача таълим соҳаси талабаларида бошқарувчанлик қобилиятларини ривожлантириш. *Молодой ученый*, (17), 394-395.

47. Мирзабоев, Й. А. (2022). ТУР ЎЗГАРИШ ЧИЗИҚЛАРИ УЧТА БЎЛГАН, ГИПЕРБОЛИК ҚИСМЛАРИНИНГ ҲАММАСИ ХАРАКТЕРИСТИК УЧБУРЧАКЛАРДАН ИБОРАТ БЎЛГАН БЕШБУРЧАКЛИ СОҲАДА УЧИНЧИ ТАРТИБЛИ КЎРИНИШДАГИ ПАРАБОЛИК-ГИПЕРБОЛИК ТЕНГЛАМА УЧУН БИТТА ЧЕГАРАВИЙ МАСАЛА ҲАҚИДА. *THEORY AND ANALYTICAL ASPECTS OF RECENT RESEARCH*, 1(5), 363-366.